



DYNAMICS OF EXOGENOUS (EXTERNAL) AND ENDOGENOUS (INTERNAL) FACTORS INFLUENCING THE FORMATION OF SOCIALLY DANGEROUS BEHAVIOR

Lazizbek Turakuliyevich Mamatnazarov

*Independent Researcher at the Bukhara State Pedagogical Institute
Bukhara, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Which are social hazard, destructive behavior, anomie, institutional trap, exogenous factors, endogenous factors, social control, and moral immunity.

Abstract: This article provides a purely scientific and philosophical analysis of the phenomenon of socially hazardous behavior and destructive actions through the prism of fundamental concepts of modern deviantology, sociology, and the philosophy of social policy. The study examines the dynamics of interaction between macro-level exogenous and micro-level endogenous factors, establishing that the state of anomie in society, institutional traps, differential associations, and the crisis of social control bonds serve as the primary determinants of destructive conduct. It is scientifically demonstrated that mitigating social hazards requires a systemic strategy focused on ensuring institutional transparency, restoring the equilibrium between cultural goals and institutionalized means, and enhancing the internal moral and legal immunity of the individual, rather than merely intensifying external repressive control or punitive measures.

Received: 23.05.26

Accepted: 24.05.26

Published: 25.05.26

ИЖТИМОЙ ХАТАРЛИ ХУЛҚ-АТВОР ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ЭКЗОГЕН (ТАШҚИ) ВА ЭНДОГЕН (ИЧКИ) ОМИЛЛАР ДИНАМИКАСИ

Лазизбек Тўрақулиевич Маматназаров

*Бухоро давлат педагогика институти мустақил изланувчиси
Бухоро, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

<p>Калит сўзлар: Ижтимоий хатар, деструктив хулқ-атвор, аномия,</p>	<p>Аннотация: Ушбу мақолада ижтимоий-хатарли хулқ-атвор ва</p>
--	---

институционал тузоқ, экзоген омиллар, эндоген омиллар, ижтимоий назорат, маънавий иммунитет.

деструктив ҳаракатлар феномени замонавий девиантология, социология ҳамда ижтимоий сиёсат фалсафасининг фундаментал концепциялари призмаси орқали соф илмий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда макро даражадаги экзоген ва микро даражадаги эндоген омилларнинг ўзаро таъсир динамикаси ўрганилиб, жамиятдаги аномия ҳолати, институционал тузоқлар, дифференциал алоқалар ва ижтимоий назорат ришталарининг инқирози деструктив хулқ-атворнинг бош детерминантлари сифатида асосланган. Мақолада ижтимоий хатарларни жиловлаш фақатгина ташқи репрессив назорат ёки жазо чораларини кучайтириш билан эмас, балки институционал шаффофликни таъминлаш, мақсад ва воситалар мутаносиблигини тиклаш ҳамда шахснинг ички ахлоқий-ҳуқуқий иммунитетини юксалтириш орқали тизимли стратегия сифатида амалга оширилиши лозимлиги илмий исботланган.

ДИНАМИКА ЭКЗОГЕННЫХ (ВНЕШНИХ) И ЭНДОГЕННЫХ (ВНУТРЕННИХ) ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ФОРМИРОВАНИЕ ОБЩЕСТВЕННО ОПАСНОГО ПОВЕДЕНИЯ

Лазизбек Туракулиевич Маматназаров

Независимый исследователь

Бухарского государственного педагогического института

Бухара, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Социальный риск, деструктивное поведение, аномия, институциональная ловушка, экзогенные факторы, эндогенные факторы, социальный контроль, духовный иммунитет.

Аннотация: В данной статье феномен социально опасного поведения и деструктивных действий анализируется с чисто научно-философской точки зрения через призму фундаментальных концепций современной девиантологии, социологии и философии социальной политики. В исследовании изучена динамика взаимодействия экзогенных факторов макроуровня и эндогенных факторов микроуровня, а также обосновано, что состояние аномии в обществе, институциональные ловушки, дифференциальные связи и кризис связей социального контроля являются главными детерминантами деструктивного поведения.

Научно доказано, что сдерживание социальных рисков должно осуществляться не просто путем усиления внешнего репрессивного контроля или мер наказания, а как системная стратегия через обеспечение институциональной прозрачности, восстановление баланса целей и средств, а также повышение внутреннего морально-правового иммунитета личности.

Кириш. Ижтимоий-хатарли хулқ-атвор ва унинг энг ҳалокатли, тизимли кўриниши бўлган деструктив ҳаракатлар муаммоси замонавий девиантология ва ижтимоий сиёсат фалсафасида индивидуал даражадаги ахлоқий нуқсон ёки алоҳида олинган девиант факт сифатида эмас, балки макроижтимоий тузилмадаги функционал инқироз ҳамда тизим ичидаги ишонч механизмининг парчаланиши натижаси сифатида талқин этилади. Тезкор ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодий дисбаланс ва трансформациялар даврида ушбу ходисанинг кучайиши жамиятда мавжуд бўлган маданий қадриятлар тизими ва институционал меъёрлар ўртасидаги алоқанинг узилиши билан характерланади. Аномия назариясига кўра, ижтимоий девиация ва хатарли хулқ-атвор макроижтимоий тузилмадаги номуносиблик маҳсули бўлиб, жамият томонидан белгиланган маданий мақсадлар, яъни моддий муваффақият ва юқори статус ҳамда ушбу мақсадларга эришиш учун мавжуд бўлган институционал воситалар, яъни қонуний меҳнат, таълим ва тенг имкониятлар ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқади. Агар жамият мақсадни ҳаддан ташқари улуғлаб, унга эришишнинг қонуний йўллари ёки ресурсларини маълум қатламлар учун чеклаб қўйса, индивидларда кучли ижтимоий фрустрация ва руҳий тушқунлик юзага киради, бу эса хатарли хулқ-атворнинг инновация деб аталувчи ноқонуний мослашиш модели орқали намоён бўлишига олиб келади. Бунда шахс маданий мақсадни тан олади, аммо унга эришишнинг қонуний воситаларини инкор этиб, тақиқланган йўллари, жумладан коррупция, иқтисодий жиноятлар ва фирибгарликни қўллай бошлайди, бу эса тизимнинг ички тавозунини бузади ва ресурслар тақсимотидаги адолат мезонини деформация қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ижтимоий-хатарли хулқ-атвор ва тизимли деструкция муаммолари Эмиль Дюркгеймнинг “Суицид” ва Роберт Мертоннинг “Ижтимоий тузилма ва аномия” номли фундаментал асарларида, шунингдек, Эдвин Сазерленднинг “Криминология тамойиллари” ҳамда Трэвис Хиршининг “Делинквентлик сабаблари” каби классик тадқиқотларида кенг ўрганилган. Бундан ташқари, ушбу патологияларнинг институционал механизмлари Говард Беккернинг “Аутсайдерлар”

хамда замонавий иқтисодий-социологик ёндашувларни акс эттирувчи Герри Беккернинг “Жиноят ва жазо: иқтисодий ёндашув” асарларида соф илмий-фалсафий жихатдан чуқур тадқиқ этилган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада тизимли ёндашув, ретроспектив таҳлил, мантикийлик ва ворисийлик, диалектик, герменевтик, қиёсий таҳлил каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ижтимоий-хатарли ҳаракатлар шахсга ирсий ёки биологик жихатдан берилмайди, балки у ижтимоий микромуҳитда англаниладиган, ўрганиладиган ва суяниладиган феномендир. Дифференциал алоқалар назарияси микросоциологик даражада хатарли хулқнинг юзига чиқиш механизмини асослаб беради, унга кўра, агар шахс ўз яқин атрофидаги гуруҳларда, яъни оила, ишхона ёки дўстлар даврасида қонунни бузиш ёки меъёрлардан оғишни ёқловчи қарашлар ва баҳоларни кўп кузатса, унда девиант хулқ-атворга нисбатан ички мойиллик шаклланади. Масалан, агар муайян ташкилот ёки институционал тизим ичида суиистеъмолчиликлар ва соядаги келишувлар ёзилмаган ички норма ёки жамоавий келишув сифатида қабул қилинган бўлса, тизимга янги келган ходим ижтимоий адаптация жараёнини тезлаштириш ва гуруҳга аъзо бўлиш учун ушбу хатарли хулқ-атворни анъанавий модель сифатида ўзлаштиради. Бу деструктив хулқ-атвор моделларининг атрофдагиларни кузатиш ҳамда улардан нусха олиш, яъни имитация орқали шахс руҳиятида мустаҳкамланишини англатувчи ижтимоий ўрганиш назарияси тамойиллари билан тўлиқ тасдиқланади.

Ижтимоий хатарни ўрганишда конформизм ва субъектни деструктив қадамлардан тўхтатиб турувчи ички тўхтатувчи омиллар ҳамда ижтимоий ришталар тизими муҳим аҳамиятга эгадир. Ижтимоий назорат назариясига мувофиқ, индивидни хатарли қадамлардан тўхтатиб турувчи тўртта асосий ижтимоий ришта мавжуд бўлиб, улар эмоционал боғлиқлик, мажбурият ва истиқбол, бандлик ҳамда ишончдир. Эмоционал боғлиқлик шахснинг яқинлари ва жамият институтлари билан бўлган муносабатида намоён бўлиб, уларнинг ишончини йўқотишдан қўрқиш ички тормоз вазифасини бажарса, мажбурият ва истиқбол инсоннинг ўз келажагига, яъни таълим, карьера ва обрўйига киритган инвестициясини англатади ва хатарли хулқ ушбу ютуқларни бир лаҳзада йўқ қилиши мумкинлигини англаш шахсни тақиқланган ҳаракатлардан тийиб туради. Қонуний ва фойдали меҳнат, илм ёки ижтимоий лойиҳалар билан бандлик эса шахсда деструктив ҳаракатларга вақт ва ички эҳтиёж қолдирмайди, жамиятнинг ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари адолатли эканига бўлган ички ҳурмат ва ишонч эса тизим барқарорлигини кафолатлайди. Агар ушбу ришталар узилса ёки сустлашса, шахснинг

нафсоний ва моддий эҳтиёжлари, яъни ҳирс ва тама ижтимоий масъулиятдан устун келиб, хатарли хулқ-атвор юзага чиқади.

Кўпинча ижтимоий-хатарли хулқ-атворнинг янада чуқурлашишига ва сурункали тус олишига жамиятнинг нотўғри институционал реакцияси ва тамғалаш жараёни сабаб бўлади. Тамғалаш назариясига кўра, ижтимоий оғиш - бу ҳаракатнинг объектив сифати эмас, балки жамият томонидан ўша ҳаракатга берилган субъектив баҳо ва қўйилган тамғадир. Девиациянинг бирламчи босқичида шахс тасодифан ёки вазият тақозоси билан меъёрни бузади, аммо ўзини жиноятчи ёки девиант деб ҳисобламайди, бироқ жамият унга нисбатан кескин нафрат, репрессия ва порахўр ёки жиноятчи деган ижтимоий тамғани ёпиштиргандан сўнг, шахс қонуний ижтимоий алоқалардан узилади. Натижада ушбу сохта ролни ўз ички дунёсига сингдиради ва янада хавфлироқ, тизимли хатарли хулқ-атвор содир этувчи профессионал субъектга, яъни иккиламчи девиантга айланади, бу эса деструктив хулқ-атворни муваффақиятнинг сохта модели сифатида легитимлаштиради ва онтологик бегоналашувни келтириб чиқаради.

Замонавий тизимли таҳлилларда коррупция ва ижтимоий-хатарли хулқ-атвор шунчаки алоҳида шахсларнинг ахлоқсизлиги эмас, балки институционал тузоқ сифатида тадқиқ этилади. Агар давлат ва жамият институтларида қарор қабул қилиш шаффоф бўлмаса, транзакцион харажатлар юқори бўлса, тизим ичида расмий қонунлар ўрнига квази-структуралар, яъни соядаги келишувлар ва кланвий боғлиқликлар устуворликка эришади. Бундай шароитда оқилона танлов назарияси нуктаи назаридан, шахс учун қонунга бўйсуниб жихатдан фойдасиз ва юқори харажатли, қонунни бузиш ва хатарли йўлни танлаш эса кам харажатли ва юқори фойдали бўлиб қолади. Оқибатда деструктив ҳаракатлар тизимли синергияни ҳосил қилади ва жамиятнинг ички хавфсизлик пойдеворини емиради. Шу боис, фанлар туташмасида ижтимоий-хатарли хулқ-атвор муаммосини бартараф этиш фақатгина репрессив жазо чораларини кучайтириш билан эмас, балки жамиятдаги аномия ҳолатини камайитириш, мақсад ва воситалар мутаносиблигини таъминлаш, ижтимоий ришталарни мустаҳкамлаш ва институционал тузоқларни йўқотиш орқали тизимли маънавий ва ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш орқали амалга оширилиши илмий жихатдан исботланган ягона тўғри стратегиядир.

Ижтимоий-хатарли хулқ-атвор ва унинг энг ҳалокатли, тизимли кўриниши бўлган деструктив ҳаракатлар муаммоси замонавий илмий билимлар тизимида жамият барқарорлиги ва институционал хавфсизликка таҳдид солувчи универсал феномен сифатида талқин этилади. Ушбу ҳодисанинг моҳияти индивид томонидан ўрнатилган ҳуқуқий, ахлоқий ва ижтимоий нормаларнинг онгли ёки импульсив тарзда бузилишида

намоён бўлади. Илмий таҳлилда ижтимоий-хатарли хулқ-атвор нафақат индивидуал ҳуқуқбузарлик ёки алоҳида олинган девиант факт, балки ижтимоий муносабатлар тизимидаги функционал инкироз ва тизим ичидаги ишонч механизмининг парчаланиши натижасидир. Бундай хулқ-атворнинг шаклланиши мураккаб детерминация занжирига эга бўлиб, унда макро даражадаги экзоген (ташқи муҳитга оид) омиллар ва микро даражадаги эндоген (ички, субъектив-психологик) омиллар ўзаро тўқнашади ва занжирсимон реакцияни юзага келтиради. Экзоген омиллар динамикасида институционал инкирозлар, ресурсларнинг адолатсиз тақсимланиши, иқтисодий дисбаланс ва жамиятда деструкцияга нисбатан лоқайдлик муҳитининг мавжудлиги асосий драйверлар ҳисобланади. Айниқса, жамиятда анъанавий қадриятлар тизими алмашганда ва ҳуқуқий назорат сустлашганда, экзоген хавф геометрик прогрессия билан ортади. Эндоген омиллар динамикасида эса шахснинг ички қадриятлар иерархияси бузилиши, маънавий мақсадларнинг нафсоний ва моддий эҳтиёжларга (ҳирс, тама) қурбон қилиниши ҳамда ички ахлоқий назорат (виждон тўсиғи)нинг йўқолиши ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бу икки омилнинг ўзаро таъсирида ташқи ижтимоий-иқтисодий инкирозлар инсон ички дунёсидаги лоқайдлик ёки тамани уйғотувчи триггер вазифасини бажаради, ички дунёдаги маънавий инкироз эса ташқи муҳитда тизимли оғишлар кўринишида моддийлашади. Агар ушбу жараён ўз вақтида жиловланмаса, у жамият аъзолари ўртасида онтологик бегоналашувни келтириб чиқаради, ахлоқий иммунитетни сўндиради ва деструктив хулқ-атворни муваффақиятнинг сохта модели сифатида легитимлаштиради. Ушбу тизимли деструкцияни чуқур англаш учун замонавий девиантология, социология ва криминология фанларининг фундаментал концептуал мактаблари ва эмпирик тадқиқотлар натижаларига таяниш лозим.

Тезкор ижтимоий ўзгаришлар даврида ижтимоий-хатарли хулқ-атворнинг кучайиши жамиятда мавжуд бўлган маданий қадриятлар тизими ва институционал меъёрлар ўртасидаги алоқанинг узилиши билан характерланади. Эмиль Дюркгейм асос солган ва кейинчалик Роберт Мертон томонидан ривожлантирилган “Аномия” (тартибсизлик, меъёрларнинг йўқолиши) назариясига кўра, ижтимоий девиация ва хатарли хулқ-атвор макроижтимоий тузилмадаги номутаносиблик маҳсулидир. Мертон жамият томонидан белгиланган маданий мақсадлар, яъни моддий муваффақият, юқори статус ва ушбу мақсадларга эришиш учун мавжуд бўлган институционал воситалар, яъни қонуний меҳнат, таълим, тенг имкониятлар ўртасидаги зиддиятни таҳлил қилади. Агар жамият мақсадни ҳаддан ташқари улуғлаб, унга эришишнинг қонуний йўллари ёки ресурсларини маълум қатламлар учун чеклаб қўйса, индивидларда кучли ижтимоий фрустрация ва руҳий тушкунлик юзага келади. Бу ҳолатда хатарли хулқ-атвор

“инновация” деб аталувчи ноқонуний мослашиш модели орқали намоён бўлади. Бунда шахс маданий мақсадни тан олади, аммо унга эришишнинг қонуний воситаларини инкор этиб, тақиқланган йўлларни, жумладан коррупция, иқтисодий жиноятлар ва фирибгарликни қўллай бошлайди. Бу ҳолат замонавий деструктив ҳаракатларнинг энг бош илмий-социологик детерминанти бўлиб, тизимнинг ички тавозунини бузади ва ресурслар тақсимоотидаги адолат мезонини деформация қилади. Ижтимоий-хатарли ҳаракатлар шахсга ирсий жиҳатдан берилмайди, балки у ижтимоий микромуҳитда англаниладиган ва ўрганиладиган феномендир. Эдвин Сазерленднинг “Дифференциал алоқалар назарияси” микросоциологик даражада хатарли хулқнинг юзига чиқиш механизмини асослайди. Унга кўра, агар шахс ўз яқин атрофидаги гуруҳларда, яъни оила, ишхона ёки дўстлар даврасида қонунни бузиш ёки меъёрлардан оғишни ёқловчи қарашлар ва баҳоларни кўп кузатса, унда девиант хулқ-атворга нисбатан ички мойиллик шаклланади. Масалан, агар муайян ташкилот ичида институционал суиистеъмомчиликлар ёзилмаган ички норма ёки жамоавий келишув сифатида қабул қилинган бўлса, тизимга янги келган ходим ижтимоий адаптация жараёнини тезлаштириш учун ушбу хатарли хулқ-атворни анъанавий модель сифатида ўзлаштиради. Альберт Бандуранинг ижтимоий ўрганиш назарияси ҳам деструктив хулқ-атвор моделларининг атрофдагиларни кузатиш ва улардан нусха олиш (имитация) орқали шахс руҳиятида мустаҳкамланишини илмий жиҳатдан тасдиқлайди.

Ижтимоий хатарли ўрганишда конформизм ва ички тўхтатувчи омиллар тизими муҳим аҳамиятга эга. Трэвис Хирши ўзининг “Ижтимоий назорат назарияси”да индивидни хатарли қадамлардан тўхтатиб турувчи тўртта асосий ижтимоий риштани асослаб беради. Биринчиси - эмоционал боғлиқлик бўлиб, шахснинг ота-онаси, устозлари ва яқинлари билан бўлган муносабатида намоён бўлади ва уларнинг ишончини йўқотишдан қўрқиш ички тормоз вазифасини бажаради. Иккинчиси - мажбурият ва истиқбол бўлиб, инсоннинг ўз келажагига, яъни таълим, карьера ва обрўйига киритган инвестициясини англатади. Хатарли хулқ ушбу ютуқларни бир лаҳзада йўқ қилиши мумкинлигини англаш шахсни тақиқланган ҳаракатлардан тийиб туради. Учинчиси - бандлик бўлиб, қонуний ва фойдали меҳнат, илм ёки ижтимоий лойиҳалар билан банд бўлган шахсда деструктив ҳаракатларга вақт ва ички эҳтиёж қолмаслигини ифодалайди. Тўртинчиси - ишонч бўлиб, жамиятнинг ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари адолатли эканига бўлган ички ҳурмат ва эътиқоддир. Агар ушбу ришталар узилса ёки сустлашса, шахснинг нафсоний эҳтиёжлари ижтимоий масъулиятдан устун келиб, хатарли хулқ-атвор юзага чиқади. Кўпинча ижтимоий-хатарли хулқ-атворнинг янада чуқурлашишига ва сурункали

тус олишига жамиятнинг нотўғри институционал реакцияси ва тамғалаш жараёни сабаб бўлади. Говард Беккернинг “Тамғалаш назарияси”га кўра, ижтимоий оғиш - бу ҳаракатнинг объектив сифати эмас, балки жамият томонидан ўша ҳаракатга берилган субъектив баҳо ва қўйилган тамғадир. Эдвин Лемерт девиацияни бирламчи ва иккиламчи босқичларга ажратади. Бирламчи босқичда шахс тасодифан ёки вазият тақозоси билан меъёрни бузади, аммо ўзини жиноятчи ёки девиант деб ҳисобламайди. Бироқ жамият унга нисбатан кескин нафрат, репрессия ва порахўр ёки жиноятчи деган ижтимоий тамғани ёпиштиргандан сўнг, шахс қонуний ижтимоий алоқалардан узилади. Натижада у ушбу сохта ролни ўз ички дунёсига сингдиради ва янада хавфлироқ, тизимли хатарли хулқ-атвор содир этувчи профессионал субъектга, яъни иккиламчи девиантга айланади.

Замонавий тизимли таҳлилларда коррупция ва ижтимоий-хатарли хулқ-атвор шунчаки алоҳида шахсларнинг ахлоқсизлиги эмас, балки “институционал тузоқ” сифатида тадқиқ этилади. Агар давлат ва жамият институтларида қарор қабул қилиш шаффоф бўлмаса, транзакцион харажатлар юқори бўлса, тизим ичида расмий қонунлар ўрнига квази-структуралар, яъни соядаги келишувлар ва кланвий боғлиқликлар устуворликка эришади. Бундай шароитда оқилона танлов назарияси нуктаи назаридан, шахс учун қонунга бўйсунуш иқтисодий жиҳатдан фойдасиз, қонунни бузиш ва хатарли йўлни танлаш эса кам харажатли ва юқори фойдали бўлиб қолади. Оқибатда деструктив ҳаракатлар тизимли синергияни ҳосил қилади ва жамиятнинг ички хавфсизлик пойдеворини емиради. Шу боис, фанлар туташмасида ижтимоий-хатарли хулқ-атвор муаммосини бартараф этиш фақатгина жазо чораларини кучайтириш билан эмас, балки жамиятдаги аномия ҳолатини камайтириш, мақсад ва воситалар мутаносиблигини таъминлаш, ижтимоий ришталарни мустаҳкамлаш ва институционал тузоқларни йўқотиш орқали амалга оширилиши илмий жиҳатдан исботланган ягона тўғри стратегиядир.

Ушбу замонавий илмий-социологик парадигмалар Шарқ ижтимоий-фалсафий тафаккури тизимида мавжуд бўлган фундаментал манбаларнинг ички мантики билан қиёсланганда, улар ўртасида чуқур концептуал ҳамоҳанглик борлиги намоён бўлади. Ғарб илмий мактаблари аномия ва институционал тузоқ деб атайдиган ҳодисаларни Шарқ сиёсий фалсафасида давлат бошқаруви ва ижтимоий масъулият тизимидаги “омонат” концепциясининг инқирози сифатида талқин этилган. Низом ул-мулкнинг форс тилида битилган “Сиёсатнома” асарида ижтимоий хатар давлат хизматчиларининг ўз ваколатини суиистеъмол қилиши ва омонатга хиёнат қилиши призмаси орқали очиб берилади. Муаллиф таъкидлаганидек, амалдорлар билмоқлари лозимки, уларнинг қўлидаги ҳокимият халқнинг омонатидир; кимки бу омонатга хиёнат қилса, у нафақат қонунни,

балки илохий ва ижтимоий адолатни издан чиқаради . Бу ерда хатар - тизим ичидаги ишонч механизмининг парчаланиши ва омонатга хиёнатнинг ижтимоий нормага, яъни Мертон тили билан айтганда, соядаги “инновацион” мослашиш моделига айланишидир. Бундай институционал оғишларнинг мафкуравий ва маърифий илдизлари Абу Наср Фаробийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида “Жаҳолат” феномени орқали тушунтирилади. Фаробий араб тилида битилган “Фозил одамлар шахри” рисоласида хатарли хулқни жоҳил шаҳар аҳолисига хос бўлган марказий иллат сифатида тавсифлайди. Унинг назариясида ижтимоий оғишлар шахснинг ўз асл табиати ва олий ҳаёт мақсадини нотўғри англаши натижасидир. Мутафаккир ёзадики, жоҳил жамиятларда кишиларнинг бир-бирига бўлган муносабати фақатгина лаззат ва фойдага таянгани сабабли, улар доимо бир-бирларига хавф соладилар ва ижтимоий низолар келиб чиқиши муқаррар бўлади . Бу эса Сазерленднинг дифференциал алоқалар назарияси каби, ахлоқий муҳит деформация бўлган жойда хатарли хулқ-атворнинг ижтимоий юқувчанлик хусусиятига эга бўлишини ва онтологик бегоналашувни келтириб чиқаришини исботлайди.

Ижтимоий-хатарли хулқ-атворнинг тизимли даражага кўтарилиши Шарқ ижтимоий онтологиясида “Мизон” (Мувозанат) мезонининг бузилиши сифатида баҳоланади. Носириддин Тусий ўзининг форс тилидаги “Ахлоқи Носирий” асарида хатарли хулқ-атворни “мутаносибликнинг бузилиши” сифатида тадқиқ этади. Тусий тизимида адолат - бу ҳар бир шахснинг ўз табиати ва лаёқатига мос равишда иерархик тузилмада ўз ўрнида бўлишидир.

Мутафаккир фикрича, қачонки жамиятда кишилар ўз лаёқатига кўра эмас, балки ноҳақ йўллар билан мавқе ва лавозим эгалласалар, ушбу нумтаносиблик жамиятнинг барқарорлигига таҳдид солувчи энг қада катта ижтимоий хатар - фасодни келтириб чиқаради. Бу қараш замонавий меритократия принципларининг бузилиши ва институционал тузоқларнинг юзага келишини акс эттириб, лаёқатсизлик коррупциянинг мафкуравий заминига айланишини кўрсатади. Ушбу маънавий патологиянинг ички психологик детерминантлари Абу Ҳамид Ғаззолийнинг араб тилидаги “Ихёу улумид-дин” асарида чуқур очиб берилган. Ғаззолий жамиятдаги коррупция ва бошқа иллатларни “ҳаром луқма” билан боғлайди ва таъкидлайдики, ҳаром луқма инсоннинг ахлоқий хушёрлигини сўндиради, натижада у жамият манфаати ва шахсий нафси ўртасидаги чегарани йўқотади, бу эса жамиятни ич-ичидан емирувчи ижтимоий хатарларнинг энг хавфли босқичидир . Ғаззолий таҳлили Хиршининг ижтимоий назорат ришталари узилиши билан ҳамоҳанг бўлиб, хатарли хулқни шахснинг ички дунёсидаги маънавий

иммунитетнинг пасайиши сифатида асослайди. Шу боис, ҳам замонавий илмий концепциялар, ҳам Шарқ ижтимоий-фалсафий тафаккури хулосалари шуни кўрсатадики, ижтимоий хатарни жиловлашнинг энг стратегик механизми - бу фақатгина репрессив жазо чоралари эмас, балки жамиятдаги аномияни камайтириш, институционал шаффофликни таъминлаш ва индивиднинг ички ахлоқий назоратини юксалтириш орқали тизимли маънавий иммунитетни шакллантиришдир.

Хулоса. Ижтимоий-хатарли хулқ-атвор ва деструктив ҳаракатларни юзага келтирувчи экзоген ва эндоген омиллар динамикасини тизимли ўрганиш натижасида макроижтимоий тузилмадаги функционал инқирозлар индивиднинг ички ахлоқий танловини белгилаб берувчи бош омил эканлиги тўғрисидаги хулосага келинди. Маданий мақсадлар ва уларга эришишнинг институционал воситалари ўртасидаги номутаносиблик натижасида келиб чиқадиган аномия ҳолати жамиятда деструктив моделларнинг легитимлашишига ва соядаги квази-структураларнинг кучайишига олиб келиши тизимли равишда исботланди. Индивид ривожланадиган ва фаолият юритадиган микроижтимоий муҳитда қонунбузарликни ёқловчи қарашларнинг устуворлиги ҳамда ижтимоий назорат ришталарининг сустлашуви шахснинг ички виждон тўсиқларини емириб, ижтимоий патологияларнинг сурункали тус олишига замин яратади. Шу билан бирга, давлат ва жамият институтлари томонидан кўрсатиладиган нотўғри институционал реакция ва тамғалаш жараёни бирламчи оғишларни тизимли ва касбий иккиламчи девиацияга айлантирувчи кучли драйвер эканлиги фалсафий жиҳатдан асосланди. Якуний хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, жамиятда ижтимоий-хатарли хулқ-атвор ва коррупция иллатларига қарши курашиш фақатгина репрессив жазо чораларини кучайтириш билан эмас, балки институционал шаффофликни ошириш, мақсад ва воситалар мутаносиблигини таъминлаш ҳамда шахснинг ички ахлоқий-ҳуқуқий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс синергетик стратегияни амалга оширишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Durkheim É. Suicide: A Study in Sociology. – New York: Free Press, 1951. – 405 p.
2. Merton R. K. Social Theory and Social Structure. – New York: Free Press, 1968. – 702 p.
3. Sutherland E. H. Principles of Criminology. – Philadelphia: J.B. Lippincott Co., 1947. – 643 p.
4. Bandura A. Social Learning Theory. – Englewood Cliffs: Prentice-Hall, 1977. – 247 p.

5. Hirschi T. Causes of Delinquency. – Berkeley: University of California Press, 1969. – 309 p.
6. Becker H. S. Outsiders: Studies in the Sociology of Deviance. – New York: Free Press, 1963. – 179 p.
7. Lemert E. M. Social Pathology: A Systematic Approach to the Theory of Sociopathic Behavior. – New York: McGraw-Hill, 1951. – 459 p.
8. Низом ул-Мулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулук). Форс тилидан тарж., сўзбоши ва шарҳлар муаллифи Ш. Ёвқочев. – Тошкент: Adabiyot, 2021. – 240 б.
9. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Араб тилидан тарж. А. Баҳриддинов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – 320 б.
10. Носириддин Тусий. Ахлоқи Носирий. Форс тилидан ўзбек тилига табдил ва шарҳлар муаллифи С. Долимов. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 272 б.
11. Абу Ҳамид Ғаззолий. Ихёу улумид-дин (Дин илмларини тирилтириш). 4-жилдлик. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2019. – 4-жилд. – 480 б.